

ЭРКАК ВА АЁЛ ЭМОЦИОНАЛ НУТҚИННИГ ЛЕКСИК САТҲИ

Хақбәрдиева Гулрух Толибовна

Ассистэнт ўқитувчи

Аннотация

Ушбу тадқиқотда эркак ва аёлнинг эмоционал нутқининг лексик сатҳи таҳлил қилинган. Эмоционал нутқ, инсоннинг ҳис-туйғуларини, муносабатларини ва ички дунёсини ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотда эркаклар ва аёлларнинг эмоционал нутқидаги лексик элементларнинг фарқлари, уларнинг контекстуал ишлатилиши ва алоҳида эмоцияларни ифодалаш усуллари кўриб чиқилган. Шунингдек, тадқиқотда гендерга асосланган лексик фарқлар, уларнинг ижтимоий ва маданий контексти, шунингдек, эмоционал нутқининг самарадорлиги ва ижтимоий муносабатлардаги роли ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: гендер, эмоционал нутқ, лексик бойлик, ижтимоий муносабатлар, эмоционал ифодалаш, маданий контекст.

Кириш

Ҳис-туйғулар, биринчидан, бу, - инсоннинг дунёга муносабати, шунингдек, хотираға келадиган ташқи ва ички дунё ҳақидаги маълумотларга муносабатини бевосита ҳис қилиш шаклида берилиши бўлса, иккинчидан, ҳиссиётлар нарса ёки ҳодисага нисбатан ҳиссий, ақлий ва ўхшаш баҳоловчи мулоҳазаларни мужассамлаштирадиган бирлиkdir. Ҳиссиётлар хусусидаги ушбу қарашлар тилшуносликда эмотивлик ва баҳолаш ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги тезисда ўз актисни топади (Додонов 1978; Вольф 1985; Арутюнова 1988; Шаховский 1988 ва б).

Инсон эҳтиёжи, муносабатлари, манфаатларига бевосита таъсир қилувчи баҳолаш фаолияти унинг ҳиссиёти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай ҳиссий ҳолат инсоннинг ўзи ва фаолияти учун идрок этилаётган воқеликка муносабати билан шартланади. “Ахборот баёнининг эмоционаллиги ҳар доим баҳолашни амалга ошириш билан боғлиқ. Баҳолаш субъектнинг ўзи учун объектнинг қиймати тўғрисидаги фикри бўлса, ҳиссиёт–субъектнинг ушбу фикрни бошидан кечиришидир” (Шаховский 1988: 14).

Ижобий ҳис-туйғу эҳтиёж қондирилганда, субъективлик ва объективлик ўртасида мувозанат ўрнатилганда юзага келади, ҳодиса, объект ва бошқалар ижобий деб баҳоланади.

Салбий ҳиссий ҳолат, одам бўлиши керак бўлган ҳолат ва айни вақтдаги ҳолат ўртасидаги номувофиқликни англаб етганда ёки атрофдаги воқелик

ҳодисаси салбий деб баҳоланганда пайдо бўлади. Эмоционал ҳолат маълум физиологик ҳатти–ҳаракатлар, шунингдек, сўзловчи нутқий ҳатти–ҳаракатлари тизимидағи ўзгаришлар орқали ифодаланадиган умумий хулқ–автор тизимидағи характерли ўзгаришларга мос келади.

Адабиётлар таҳлили ва мэтодология

Е. М. Вольфнинг фикрича, баҳолашнинг энг муҳим хусусияти шундаки, у доимо объектив омил билан бир қаторда ўзаро таъсир қилувчи субъектив омилни ҳам ўз ичига олади. Субъектив компонент баҳолаш субъективининг ўз объектига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатини англатади, баҳолашнинг объектив компоненти эса объектив ёки ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларига қаратилган бўлиб, улар асосида баҳолаш амалга оширилади (Вольф 1985: 22).

Шу тарзда, баҳолаш тузилмасида субъект / объект ва субъективлик / объективлик каби мураккаб ўзаро таъсири боғлиқликлар юзага келади. Улардан субъективлик ва объективлик муносабати асосий муаммодир, чунки субъектларнинг қарашлари турлича ифодаланади. М.С. Ретунская баҳолашни қўйидаги турларга ажратади:

- рационал (ақлий–мантиқий);
- эмоционал (хиссий);
- хиссий–ақлий (Ретунская 1996: 9).

Рационал баҳолаш баҳолашнинг қиймат мулоҳазаси ва нейтрал ифода усусларини назарда тутади. Инсон объектни ҳеч қандай хиссий муносабатсиз, ўзининг қадрият муносабатлари нуқтаи–назаридан ижобий ёки салбий деб баҳолайди.

Бироқ, нутқий мулоқот жараёнида, одамнинг бирон–бир ҳодисага баҳо беришининг ўзи шуни кўрсатадики, мазкур ҳодиса ушбу шахснинг қизиқишлиари доирасида киради ва шунинг учун уни бефарқ қолдира олмайди. Хиссийлик баҳолаш билан боғлиқ бўлади. Ш. Балли таъкидлаганидек, “тилни яратувчи ва ўзгартирувчи ўртacha инсон–хиссий мавжудотdir ва “соф” фикр унинг ички табиатига зиддир” (Балли 1961: 26).

Рационал баҳолашдан фарқли ўлароқ, хиссий баҳолаш, референтга хос бўлган объектив хусусиятлар ҳақида ахборот беришга эмас, балки белгиланган объект уйғотадиган салбий ва ижобий ҳис–туйғуларга асосланади. Хиссий баҳолаш фикрлар ва ҳис–туйғуларнинг умумий таъсирини ифодалайди. Унинг асосида ушбу ҳодисанинг маъносини англаш ва унга бўлган хиссий муносабат ётади. Эмоционалликнинг инсон ҳёти ва когнитив фаолиятининг барча соҳаларга чуқур сингиб кетиши инсон онги нафақат воқеликни акс эттиришга, балки акс эттирилаётган тасвирларга субъектив хиссий таасурот беришга қодир эканлиги билан изоҳланади.

Ҳиссий баҳолаш сұхбатдошнинг эмоционал ҳолатини ўзгартиришга ва мос реакцияни келтириб чиқаришга қаратилған бўлса, рационал баҳолаш билдирилған фикрга қўшилиш ёки уни рад этишни назарда тутади.

Баҳолашнинг холислиги фикр предикати билан, хиссийлиги эса экспрессивлик ва аффектив лексика орқали кучаяди.

Ташқи дунё обьектлари ва ҳодисаларини баҳолаш мураккаб когнитив жараёндир, чунки у – ташқи предмет ва субъект эҳтиёжлари ҳақидаги инсон билимларининг икки турига сүянади. Ташқи дунё обьекти ва ҳодисасига баҳоловчи ёндашиш, биринчи навбатда, уни ҳислар орқали идрок этишни ўз ичига олади (бу босқичда баҳолашнинг асосли бўлган бирламчи ҳис–туйғулар шаклланади). Кейинги босқич – баҳолаш ақлий ҳаракат бўлиб, унда инсоннинг ташқи дунёга аффектив муносабати ўзгартирилган шаклдан намоён бўлади, бунинг натижасида ҳосилавий ҳис–туйғулар ва обьект қиймати моҳиятини англаш натижасида юзага келган баҳоловчи билим субъектнинг баҳоланаётган обьектга бўлган “муҳим” ва “аҳамиятга молик” муносабатини ифодалашда ўз якунини топади (Вендина 1997).

“Баҳолаш тушунчаси умумий тан олинган категория ҳисобланади: модал мантиқ тушунчанинг мазмуний таркибиға модалликни, баҳо эса модал компонентини киритади. Аммо баҳолаш муносабати эмоционал бўлиши ҳам мумкин, бунда сигнификация жараёнида эмоциялар сезиларли ролни бажаришлари лозим бўлади¹”.

Муҳокама ва натижалар

Эмоцияларни ифодалашда тил бирликлари бир нечта жиҳатларга эга бўлади²:

1. Тил бирлиги ҳис–туйғуларни ифода этиши мумкин, лекин уларни етказиб бермайди. Бундай бирликларга ҳис–туйғуларни англатувчи эмоционал ундов сўзлар киради, ушбу бирликлар туйғуларни ифодалаш учун мўлжалланган, лекин коммуникатив жиҳатдан адресатга эга бўлмайди.
2. Тил бирлиги сўзловчининг бирор нарса ёки ҳодисага нисбатан ҳиссий муносабатини ифодалashi ва узатиши мумкин. Бундай турдаги тил бирлиги таркибида, албатта, ўша нарса ёки ҳодисага таалуқли бўлган бирор жиҳат, шу билан бирга уларга бўлган ҳиссий муносабат ҳам сезилади. Ушбу бирликларнинг аксарияти шахслар ва уларнинг ҳаракатларини ҳиссий жиҳатдан тавсифловчи сўзлар ташкил қиласди.
3. Тил бирлиги хабарни узатмасдан туриб ҳиссиётларни уйғотиши мумкин. Бунда сўз орқали етказилаётган ҳиссий маъно ва субъектнинг тил бирлигига

хиссий муносабатини фарқлаб олиш керак. Сўзга ҳиссий муносабат умуман кутилмаган ва чуқур индивидуал бўлиши асосида ҳиссий жиҳатдан энг нейтрал сўзлар ҳам нафрат ёки севги вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

4. Тил бирлиги туйғуларни бевосита узатмаган ҳолда уларни акс эттириши мумкин. Ушбу тоифа бирликларига инсоний ҳис туйғуларни номловчи ёки белгиловчи бирликлар мансуб бўлади: менсимай қаради, меҳр билан, ҳазил билан бош чайқади, иштиёқ билан иргиб ўрнидан турди, хурсандчилик билан хитоб қилди, у ғазабланди ва бошқалар. Бундай сўзлар ҳис–туйғуларга эга ҳиссий компонент эмас, балки бирламчи маъно қийматини билдиради.

Ҳиссиётларнинг ижтимоий ўзига хослиги бир вақтнинг ўзида умуминсоний, миллий, демографик, касбий, жинс, ёш жиҳатдан шаклланади ва нутқ ва тил амалиёти жараёнида тилнинг эмоционал воситаларида мустаҳкамланади. Бу инсоний ҳис–туйғуларнинг гендер хусусиятлари хусусида фикр юритиш имконини беради. Инсоннинг табиий жинсини ва унинг ижтимоий “оқибатларини” ҳисобга оладиган гендер омили инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, унинг бутун умри давомида ўз–ўзини шу билан бирга жамиятнинг бошқа аъзолари билан мулоқот қилувчи сўзловчи субъектнинг ўзига хослигини англаб етишга маълум даражада таъсир қиласади³.

Маълумки, сўз туркумларининг қўпчилиги баҳоловчи маълумотни етказишга хизмат қиласади. Лекин лисоний кузатишлар натижасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аниқловчи вазифасида келган сифат ва от сўз туркумлари эмоционал–экспрессив хусусиятли лексик бирликларнинг аксариятини ташкил қиласади.

Биз асарлардаги диалогик нутқда қўлланувчи эмоционал–экспрессив баҳоловчи бирликлар таҳлилини гендер хусусиятлари асосида тўрт жиҳатдан ўрганиш орқали амалга оширидик:

- 1) эркаклар томонидан эркакларни баҳоловчи тил бирликлари;
- 2) эркаклар томонидан аёлларни баҳоловчи тил бирликлари;
- 3) аёллар томонидан эркакларни баҳоловчи тил бирликлари;
- 4) аёллар томонидан аёлларни баҳоловчи тил бирликлари.

Таҳлил жараёнида, бошқа тиллардаги каби, ўзбек тилида ҳам ижобий эмоционал–экспрессив хусусиятли сифатлар инсонлар мулоқотида муносабатни ифодалашда қўлланиладиган етакчи сўз туркуми эканлиги аён бўлди. Эркак ва аёл мулоқотида ижобий қўлланиладиган сифатларга *яхши, гўзал, чиройли, ақлли, если, ажойиб, мард* бирликларини келтириш мумкин.

Яхши сифати аёллар ва эркаклар томонидан иккала жинс вакилларига ҳам нисбат беришда қўлланади:

Э-Э – Яхши йигит экансан, ёлғизлатиб қўймаймиз. Бахтинг очилса, шу ерда уй–жойли бўлиб қетарсан (СА 1976: 328); – Маълим – яхши одам, Самарқандда ўқиган, болаларимизга илм беряпти (ЎҲ 2016: 71); - Ота – бувасига тил тегизманг. Отаси, раҳматли яхши одам эди (ЎҲ 2016: 71) ва ҳ.

Э-Э – Маҳбуба яхши жувон. Бечора эрини э, кутди-я (СА 1976: 598); – Дилдор яхши қиз бўпти (СА 1976: 266) – Яхши қиз экансизку, совчилар келади (ЎҲ дунё); - Яхши акангиз бор экан. Қаерда ҳозир? (ЎҲ 2005: 64).

А-Э – Умридан барака топгур, хўжайн яхши одам (ЎҲ тушда к);

А-А – Бир уйда турамиз, фаррош хотин. Яхши аёл. (ЎҲ Тку)

Чиройли сифатини эркак ва аёллар мулоқотда айнан аёллар хусусида фикр билдирилганда қўллайдилар:

Э-А – Сен ўзгармабсан! – дедим елкасидан қаттироқ қучиб. – Янаям чиройли бўлиб кетибсан. (ЎҲ Тку); - Дилдор, Дилдор! Қандай чиройлисан! (СА 1976: 305)

А-А – Вуй, мунча чиройли! – деди қаттиқ шивирлаб. – Бир қошиқ сув билан ютгудек-а! (ЎҲ DI); – Жуда чиройли экансиз-ку. Низом ўлгур, дидинг жойида, - деб қўйди. (СА 1976: 666).

Шунингдек, если бирлиги орқали ҳам эркак ва аёллар томонидан айнан аёлларга таъриф берилганда қўлланилади:

Э-А – Зебихон ёмон эмас, если – хушли чиқди. (СА 1976: 334); – Сен, келин, если – хушли хотинсан. Хайрли ишни кечиктириб бўлмайди. (ЎҲ 2016: 194).

А-А – Она қарғиши ўқ бўлади, айланай. Мунавварахон если қиз. (ЎҲ 2016: 752).

Ажойиб сифати орқали эркаклар томонидан эркакларга таъриф берилганлиги кузатилди:

Э-Э – Айтганинг келсин, - дедим елкасидан қучиб. Ажойиб йигитда Хайриддин! (ЎҲ Тку); Ташла қўлни! Отанг ажойиб одамлар! У киши тўғрисида очерк ёзганман. (ЎҲ Тку)

Мард бирлиги ҳам эркаклар томонидан ўз жинсларига бўлган муносабатни ифодалашда қўлланилади:

Э-Э – Бўлди, бўлди, ўғлим. Ўзингни тут. Ахир сен мард боласан-ку! (СА 1976: 182); - Кечир мени. Кимсаним! Биламан, сен мард боласан! (СА 1976: 386).

Табиийки, сўзловчининг ҳиссий ҳолатини тўлиғича “тўкиб солинишини” таъминлайдиган инвектив лексика ҳам салбий эмотивликни ифодалашга хизмат қиласи. Инсон турмуш тарзида барча ҳис–туйғуларнинг бирданига намоён бўлиш ҳолатлари кўплаб учрайди. Ушбу ҳис–туйғуларни бараварига ифодалаш инсон учун қийинчилик туғдиради. В.И.Жельвиснинг фикрича, “бундай турдаги субъектив жиҳатдан ноаниқ бўлган ҳиссий кечинмаларни мураккаб эмоционал

юкни ўзига олувчи ягона восита кўринишида амалга ошириш қулай бўлади. Бундай восита инвективадир” (Желвис 1991: 42). Инвектив лексикага, одатда умумахлоқ қоидаларига зид сўзлар, таркибида тингловчи ёки учинчи бир шахсни ҳақоратловчи, шаънини ерга урувчи сўзлар киритилади. Вульгаризм ва ҳақорат сўзлар ҳам шулар жумласидандир.

Хулоса

Психолог ва тилшунос олимлар томонидан аёл ва эркаклар нутқи хусусиятларни ўрганишда турли тажрибалар ва сўровномалар ўтказилган. Таҳлилларга асосланиб турли миллатга хос эркаклар нутқида инвектив лексика аёллар нутқидагидан кўра кўпроқ қўлланилиши келтирилади. Биз қуйида ўзаро муносабатда ўзбек эркак ва аёллари нутқига хос инвектив тил бирликларини таҳлил қилдик.

Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан ва технология, 2010. – 404 б.

Адабиётлар

1. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры, 1996.
2. Таджибаева А.А. Основные положения когнитивный семантики // Актуальные проблемы современной лингвистики. – Т.: 2021. – С. 187-197.
3. Ўткир Ҳошимов. Дунёнинг ишлари. – Т.: Илм – зиё – заковат, 2019. – 192 б.
4. Ўткир Ҳошимов. Севги қиссалари. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 490 б.
5. Филимонова О.Е. Язык и эмоции в английском тексте. Когнитивный и коммуникативные аспекты. – СПб: Изд-во СПб. Пед. У-та, 2001.
6. Халеева И.И. Основы теории обучения понимания иноязычной речи (подготовка переводчиков). – М.: Высшая школа, 1989. – 238 с.
7. Шаховский В.И. Эмоции: Долингвистика. Лингвистика. Лингвокультурология. – М.: URSS, 2010. – 128 с.
8. Шаховский В.И. Эмоциональные культурные концепты: параллели и контрасты // Языковая личность и культурные концепты. – Волгоград, 1996. – 260 с.
9. Энциклопедия практической психологии (электронный ресурс). – Режим доступа: <http://www.psycologos.ru>